
Судьялар халқ хизматида

Охирги пайтларда мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари энг олий қадриятэканлиги давлат ва жамиятнинг ҳар соҳасида амалга оширилаётган ислохотва сиёсатлар таг замирида ўз аксини топмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан судьялар олдигақўйилган энг асосий мақсад ва вазифа, энг аввало, инсонларни рози қилиш, уларни одил судловга бўлган муносабатларини тубдан яхшилаш, уларгасудларни жазоловчи орган эмас, балки адолатни қарор топтирувчи даргоҳэканлигини тушунтиришдан иборатдир. Шу мақсадда, Фарғона вилоят судитомонидан амалдаги ишлаб чиқилган ҳуқуқий тарғибот ва сайёр қабулрежаларига асосан Фарғона туманлараро иқтисодий суди томонидан жойлардабевосита аҳоли вакиллари иштирокида кўплаб учрашувлар, сайёр қабул ватарғибот ишлари амалга оширилмоқда. Жумладан, суд раиси Т.Маматожиевтомонидан Фарғона шаҳар «Наврўз» МФЙ, Олтиариқ туман «Навқирон», «Оқбўйра», «Устоз» МФЙларда, судья Д.Акрамова томонидан Фарғона шаҳар«Ш.Рашидов», «Наврўз», «Ифтихор» МФЙларда, судья Х.Жамолиддиновтомонидан Фарғона туман «Лоғон» МФЙ, Қувасой шаҳар «Арсиф» МФЙ, Фарғонашаҳар «Наврўз» МФЙларда сайёр қабул ва давра суҳбатлари ўтказилиб, ундасудьялар томонидан фуқароларни қийнаб келаётган муаммоларга ҳуқуқийтушунтиришлар берилиб, судларга мурожаат қилиш тартиблари тушунтирилди.

2022-11-30 16:53:25